

ЖАМАТ СЎЗИ


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 6 апрель шанба Сوتуда эркин нархда № 74 (2902)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг Газетаси

Оқсаройда қабул



Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов 5 апрель куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Халқаро муносабатлар бўйича қўмитаси аъзоси, Фан бўйича қўмитанинг Коинот ва аэронавтика масалалари бўйича ички қўмитаси раиси Дана Роубахер раҳбарлигидаги конгрессмен делегациясини қабул қилди.

11 сентябрдан кейин Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ривожининг суръати ошди. Бунга Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашда АҚШни қатъият билан қўллаб-қувватлагани ҳам сабаб бўлганини таъкидламоқ керак. АҚШ Конгрессининг маънавиятга таърифи буюраётган делегациялари сони кўпайгани эса Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари изчиллик билан ривожланиб бораётганидан яна бир далиллардир.

Учрашувда конгрессменлар халқаро ақсилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлагани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Сўхбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, минтақавий хафсизликка оид ва томонларни қўзиқтириш бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга таъриф буюрган АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Халқаро муносабатлар бўйича қўмитаси аъзоси, Фан бўйича қўмитанинг Коинот ва аэронавтика масалалари бўйича ички қўмитаси раиси Дана Роубахер раҳбарлигидаги делегация аъзолари 5 апрель кунини Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулдузид Комилов билан учрашди.

ИЛМИЙ МАКТАБ ЯРАТГАН ОЛИМ

Яқин кунлар ичида машҳур немис шарқшунос олими профессор Аннемари Шиммельнинг юбилейи нишонланади. Олимнинг номи, ҳеч мулоҳазасиз, нафақат бутун Германияда, балки дунё таъриқотчилик илми оламида маълум ва машҳурдир.

Аннемари Шиммель — шарқшунослик соҳасининг етакчи билимдонларидан. Марказий Осиё минтақаси давлатлари, ҳусusan, Темурийлар даври тарихи, дини ва маданияти бўйича у яратган илмий мактаб Шарқий Европа мамлакатларида етакчи ҳисобланади. Илмий ишлари, мақола ва маърузаларида муаллиф минтақамиз давлатларининг тарихий ютуқлари, уларнинг дунё маданияти ҳазинаси ривожидидаги ҳиссага эъқорини баҳо бериб, ҳар томонлама таҳлил этар экан, улар, ҳақиқатдан ҳам, глобал аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Бундан ташқари, А. Шиммель «Германия — Ўзбекистон» жамиятининг фахрий аъзоси ҳам. Унинг Германияда ўтказилаётган турли тадбирлардаги фаол иштироки эса ўзбек маданияти ҳамда аждодларимиз қолдирган улкан мерос — Шарқ ва Ғарбни бирлаштириб турган кўприк сифатида бутун дунёни ҳайрат солаётганининг яна бир далилидир.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкентда 5 апрель куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўзининг давом эттирди. Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқаради.

Давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайловларини ўтказиш муддатлари ҳақида қўллаб-қувватлаш келиб тушаётгани муносабати билан парламент Раиси депутатлар гуруҳининг ташаббусига кўра, 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдум қарорлари ва «Референдум якузлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» тўли Конституциявий қонун асосида тегишли қарор қабул қилиш тақдирини сессия муҳокамасига ҳавола этди. Депутатлар бу тақдирини қўллаб-қувватлади ва навбатдаги сайловларни ўтказиш муддатлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Иқтисодийни ислоҳ қилиш ва тadbirkorлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев сессия муҳокамасига «Сурғатра фаолияти тўғрисида»ги қўмита раиси Э.Бердиев сўзга чиқди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Эҳдикқалъа тумани ҳокими Н.Худойберганов, Тошкент Давлат аграр университети кафедра мудири А.Абдурахимов, Фарғона тумани марказий шифонахаси бош шифокори М.Мамажонов иштирок этди.

Давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайловларини ўтказиш муддатлари ҳақида қўллаб-қувватлаш келиб тушаётгани муносабати билан парламент Раиси депутатлар гуруҳининг ташаббусига кўра, 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдум қарорлари ва «Референдум якузлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» тўли Конституциявий қонун асосида тегишли қарор қабул қилиш тақдирини сессия муҳокамасига ҳавола этди. Депутатлар бу тақдирини қўллаб-қувватлади ва навбатдаги сайловларни ўтказиш муддатлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессия парламентнинг Иجتимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафонова маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ҳамда қўшимчалар киритилди. Олий Мажлис Қозғонистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида фуқаролик ва жинсий ишлар бўйича ҳуқуқий ерам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномаларни ратификация қилди. Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларини таъкидлади.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси котибити раҳбари Г. Латиповнинг сессия давомида фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар ҳақидаги ахборотини тинглади. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2001 йилдаги фаолияти тўғрисидаги хисоботни маълум қилди. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Обмудсаннинг) 2001 йилги фаолияти ҳақида маъруза қилди. Депутатлар Қарши муҳандислик-иқтисодий институти ректори М.Нормуродов, «Бухорасувқурилиш» очик турарги акциядорлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Э.Хайдаровнинг чиқишларидан сўнг ушбу ҳужжатни таъкидлашди.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритди. Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини якунлади.



Нўмонжон МУХАММАДЖОНОВ олган суратлар.

«Инқилоблар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида сессияда Олий Мажлисининг Атроф муҳит ва табииётни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси котиби Э.Мирзев ахборот берди.

«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимoyalаши қарорларини тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича Олий Мажлисининг Бюджет ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов маъруза қилди. Мазкур масала муҳокамасида Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М. Анварова, Андикон тумани ҳокими Х. Ҳақимов, Навоий тумани ҳокими Э. Бердиев сўзга чиқди. Парламент қонунини ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

«Инқилоблар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида сессияда Олий Мажлисининг Атроф муҳит ва табииётни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси котиби Э.Мирзев ахборот берди.

Бугуннинг гапи

«ПАБЛИК РИЛЕЙШНЗ»

давлат ва фуқаро ўртасидаги алоқаларнинг муҳим воситасидир Барамизга маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларда ҳам ҳақиқий давлат, одил фуқаролик жамияти қуриш масаласида катта эътибор қаратиб келмоқда. Фуқароларнинг сийсий ҳаётларида ва сийсий ҳаракатларида қўллаб-қувватлашнинг таъминини таъминлаш давлатнинг олдинда турган энг муҳим масалалардан бири эканлиги эътироф этилмоқда. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқий қадарларининг асариде ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб: «Биз учун фуқаролик жамияти — илтимойий макон. Бу маконда қонун устивор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини қамол топтирадиган монелик қилмайди, аксинча, ерам беради. Шу эрамфалларни, унинг ҳуқуқ ва ҳақлари билан ўрнатилган тўла даражада ўрнатишга қўйилган кўмаклашадиган» деб таъкидлайди. Фуқаролик жамияти-

(Давоми 2-бетда).

ТОШКЕНТДА Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданият-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳамда «Ўзбекистон—Германия» дўстлик жамияти ҳамкорлигида Наврўз байрамига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

АНДРЕАС МОЙРОННИНГ ЎЗБЕКОНА САРПОСИ

Унда «Германия—Ўзбекистон» дўстлик жамиятининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган делегацияси аъзолари, Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, жамғармалари, фирма ва компаниялари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Байрам дастурхонига суналак, ҳалим сингари миллий таомлар тортиди. Меҳмонларга Наврўз билан боғлиқ урф-одад ва анъаналар ҳақида маълумот берилди. Тадбир доирасида 2001 йилда Германияда «Германия—Ўзбекистон» дўстлик жамияти мамлакатимизнинг ушбу давлатдаги элчихонаси билан ҳамкорликда ўтказган «Сиз Ўзбекистон ҳақида нималарни биласиз?» мавзусидаги викторина тоғлиби — Бонн шаҳрида японча меймор Андреас Мойронга Ўзбеккона сарпо кийтизилди.

бир ҳафталик сафар имкониятини қўлга киритганимиздан хурсандман, — деди А.Мойрон. — Германияликлар Ўзбекистон, унинг бетакрор тарихий обидалари ва иштиқлот йилларида эришаётган ютуқлари ҳақида кўпроқ билишни истайдилар. Танлов ана шу мақсадда ўтказилди. Бундай тадбирлар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга хизमत қилади, деб ўйлайман. Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданият-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашидан ЎЗА муҳбирига хабар қилишларига, «Сиз Ўзбекистон ҳақида нималарни биласиз?» викторинаси Германиядан ташқари Греция, Буюк Британия, Латвия каби бошқа мамлакатларда ҳам ўтказилган.

Элчи ХОЛИҚОВ, ЎЗА муҳбири.

ТАХЛИЛ ИСТАГАН ИМКОН ИЗЛАР, МАГАН — БАҲОНА

- Кичик ва ўрта бизнеснинг улуши 35,9 фоиз
• 8 миллион доллар тежалари
• Сармодорлар билан ишончли ҳамкорлик
• Қўшма корхона — келажак корхонаси

Юртбошимиз Вазирлар Мақкамасининг 2001 йил якузларига бағишланган йилги баҳога сўзлаган нутқида мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнеснинг улуши ички маҳсулотдаги ҳиссаси ўсиб, у ҳозирги кунда 24,5 фоизни ташкил этаётганини алоҳида таъкидлади. Бу борада фарғоналик тadbirkorлар йилда унумдор, барқарорлик йўлини тинчиди, десак, хато қилмаган бўламиз. Чунки виллоят бўйича яна ички маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва ҳусусий тadbirkorларнинг улуши асримиизнинг дастлабки йилда 35,9 фоизга тўғри келди. Агар ушбу кўрсаткич бундан анча уч йил аввал — 1998 йилда 16,5 фоиз бўлганини ҳисобга олсак, фарғоналик тadbirkorларнинг бу борада ижобий салжикшида эришганлигини ҳис қилиш мумкин.

Бу натижалар ўз-ўзини қўлга киритганлиги йўқ, албатта. Сўнги икки йил ҳеч мулоҳазасиз тadbirkorлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари йили бўлди, деб айта оламиз. Виллоят ҳокимияти маҳсул қарори билан ўтган йилнинг ярмидан бошлаб ҳафталик ҳар чоршанбаси тadbirkorлар кунини, деб белгилади.

ЧОРШАНБА — ТАДБИРКОРЛАР КУНИ

Дастлаб айнан ҳафтанинг ўртаси тadbirkorлар, кичик ва ўрта бизнес субъекти ҳодимлари кунини деб эълон қилинганлиги баъзиларга эриш туюлгандай бўлди. Гап шундаки, шу кунини тadbirkorлар, фермерлар, деҳқон ҳўжаликлари раҳбарлари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳодимлари бош уриб борадиган барча муассасаларнинг эишлари уларга ланг очиб қўйилди. Бу тадбир кўска музда ичиде ўз самарасини берди. Масалан, ўтган йилнинг учинчи чороти якузларига кўра, виллоятда салкам 3 мингта яқин тadbirkorлик субъекти фаолият кўрсатаётганлиги ҳисоб-китобларга қайта этилган эди. Илди охирига келиб эса, бу кўрсаткич 1271 тага тушди. Сабоб? Агар кичик ва ўрта бизнес субъектларининг йўлде кўлиб олиши учун амалий ерам берилди.

Юртбошимиз Вазирлар Мақкамасининг йилги баҳога кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш, кредит бериш тизимини соддалаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш йўллариини ҳам очик-ойдин кўрсатиб берилди. Бу борада Тошкент виллояти тажрибаси намуна қилиб кўрсатилади. Фарғонада ҳам тошкентликлардан ўрганиб, амалда оширилган ижобий ишлар таъминатига. Фақат ўтган йилнинг ўзиде виллоятдаги тижорат банклари кичик ва ўрта бизнес субъектларига имтиёзли фондлардан, асосан ишлаб чиқаришни йўналтириш ҳисобига 4 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратди. Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалиги билан банд бўлган субъектларга 1 миллиард 860 миллион, қишлоқ тармоғига 1 миллиард 162 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Эришилган ютуқлар, албатта, яқинда Кичик ва ҳусусий тadbirkorликни ривожлантиришнинг риважлантириши бўйича республика муваффақлаштирувчи Кенгашининг навбатдаги мажлисида муносив баҳоланади. Кенгаш қарорига биноан, Фарғона виллояти 2001 йилда ҳусусий ва кичик бизнес, эркин тadbirkorлик учун энг яқин ҳуқуқий ва ирнестиини муҳитини таъминлаш билан виллоят таълимининг тоғлиб-ридан бири сифатида эътироф этилди. Бу таълифта баҳо берилганда, фақат иқтисодий натижалар билан чегараланиб қолганини йўқ. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг 17 та мезонини бўйича кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, пировард ҳулосага келинди.


(Давоми 2-бетда).



"Пахта Банк": Аграр ислохотлар мададкори

Президентимиз Вази­лар Маҳкамасининг 2001 йил якулига бағишлан­ган йиғилишида сўзлаган нутқида иқтисодиётнинг аграр соҳасини ривож­лан­тириш масаласига атроф­ли­ча тўхталди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки киш­лоқ хўжалиги иқтисодиёт­нинг бошқа тармоқлари ба­р­қарор ривожланиши ва уларда ислохотларнинг из­чил амалга оширилишида пойдевор вази­фасини ўтайди. Бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 30 фо­изи ва валюта тушумининг анчагина қисми мазкур тар­моқ ҳиссасига тўғри ке­лаётгани шундан далолат беради. Бошқача айтганда, нафақат киш­лоқларда яшаётган 60 фоиз аҳоли, балки бутун мамлакат ну­фусининг турмуш тарзи ва фаровонлиги айнан шу ти­зимнинг қай даражада са­марали ривожланишига бе­восита боғлиқдир.


Ҳозирги кунда киш­лоқ­ларда бозор муносабатла­ри тобора мустақкам ўрин эгаллаётгани ҳаммага маълум. Аввало, киш­лоқ хў­жалик ширкатлари шакллан­моқда. Уларнинг аъзолари мол-мулк пай­лари эгалари­га айланмоқда. Зарар кўриб ишлаётган ва паст рента­белли хўжаликлар негизда эса фермер хўжалиқларини таш­кил қилиш ишлари да­вом эттирилмоқда.



Хўжаликлар билан тай­ёрлов ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабат ва ҳисоб­китоблар тизими ҳам туб­дан ўзгармоқда. Барча мулк шаклидаги киш­лоқ хўжалик корхоналари молия-ҳисоб марказлари ишлаб турибди. Сарф-ха­ражатларни назорат ва ҳисоб-китоб қилиш мақса­дида чек тизими жорий қилинган. Биргина 2001 йилда киш­лоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирув­чилар фаолиятини молия­вий жиҳатдан соғломлаш­тиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кишлоқ хўжалигини ли­зинг асосида замонавий, юқори унумли техника во­сита­лари билан таъмин­ла­шининг мутлақо янги ти­зими жорий этилганлиги эса айни мuddао бўлди. Давлатимиз раҳбари таъ­кидлаганидек, киш­лоқ меҳнатқашларини техника билан таъминлашнинг ушбу тамойили тар­моқ­нинг келажакдаги буюк истиқболи учун хиз­мат қилаётир.

Ушбу масалаларнинг ҳар томонлама муваф­фа­қиятли ҳал этилиши бутун банк тизимининг, би­ринчи навбатда "Пахта Банк"нинг хизмати­га бе­восита боғлиқ, десак янглишмай­миз. Зеро, рес­публикадаги энг йирик акциядорлик-ти­жорат бан­ки — "Пахта Банк" аграр ислохотларни жадаллаш­тириш ва чуқурлаштиришнинг молиявий восита­чиси бўлиб хиз­мат қилмоқда.



Тошкент вилояти Бекобод туманида жой­лашган «Саховат» фермер хўжалигига кредит ажратилиши натижасида фермер хўжалиги иқтисодий бақувват иссиқхона комплексига ай­ланди. 2001 йил мобайнида аҳолига 2,5 тон­на лимон, 5 тоннадан ор­тиқ помидор ва бо­диринг маҳсулотлари ет­казиб берилди. Ҳозирги кунда фермер хўжалигида 8 та янги ишчи ўринлари таш­кил қилинган. Бундай мисоллар­ни кўплаб келтириш мумкин.

Кўрииб турибдики, микрокредит — бу янги иш ўринлари, киш­лоқ аҳолиси учун янги даромад манбаи, демак­дир. Шу боис бугунги кунда банкнинг маж­буд 184 та бўлимида Тош­кент вилоятининг деҳқон ва фермер хўжалик­ларини микрокредитлар билан таъминлаш бо­расидаги тажрибасини жойларда кенг ёйиш ҳаракати қизғин бошлаб юборилган.

ОМОНАТЛАРНИНГ ЎСИШИ — БАНКА БЎЛГАН ИШОНЧ ГАРОВИ

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини ир­моқларга қиёс қилсак, уларни бирлаштириб, улкан ва қудратли дарёга айлантириш ҳамда иқтисодиётнинг аниқ тармоғига йўналтириш банк тизимининг бош вази­фаси бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Янги-янги омонатчиларни жалб этишнинг жаҳон банк амалиётида шаклланган йўл­йўриқларидан бири эса фои­з ставкаларининг миқдорини мақбул даражада белгилашдир. 2002 йил 1 январь ҳолатига кўра "Пахта Бан­к"нинг ресурс базасига жалб этилган маблағ­лар ҳажми 13,7 фоизни таш­кил этди. Бу аввал­ги йилдагига нисбатан икки баравар кўпдир.

Ҳозир банк бўлимларида омонатларнинг 17 та тури амал қилмоқда. "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилинган 2001 йилда тўртта янги мuddати омонат тури очилди. Уларнинг йиллик фои­з ставкалари 38 фоиздан 50 фоизгача бўлди. Деҳқонлар, айниқса, "Пахта


нингдек, Андижон вилоятининг Ойим киш­лоғида ип йиғирув фабрикаси қурилиши бош­лаб юборилди. Уттан йили бу қурилишга 248,4 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, Пар­кент туманидаги «Валигул» маъсулияти чек­ланган жамиятида маъдани сув ишлаб чиқару­вичи цех барпо этиш учун 82,8 миллион сўм берилди.

Шу билан бирга, 2001 йилда киш­лоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга оширишга банк бўлимлари томонидан 1,5 миллиард сўм йўнал­тирилди. Ана шу маблағ эвазига 144,8 кило­метрлик сув ва 149,7 километрлик газ қувур­лари тармоғи қурилиб, ишга туширилди.

Банкнинг ўз кучи билан амалга ошири­лаётган лизинг операциялари кўлами ҳам ан­ча кенгайди. Уттан йили лизинг асосида молия­лаштириш мuddаланган 516 миллион сўмлик 49 та лойиҳа кўриб чиқилиб маъқулланди. Эти­борлики, лизинг операциялари орқали миқ­дорлар нафақат тракторлар, балки галла ўриш ком­байнлари, культиваторлар, двителлар харид қилмоқдалар. "Мармар-хизмат" хусусий фир­маси эса, лизинг йўли билан мрамарни қайта ишлайдиган 20 миллион сўмлик фрезерлик да­стгоҳини сотиб олди.

ҲАМКОРЛИК МЕВАЛАРИ

"Пахта Банк" халқаро операциялари бугун­ги кунда республикамиз ҳамда хориждаги 22 банкнинг вакиллик ҳисоб-рақамлари орқали амалга оширилмоқда. Биргина Уттан йили банк "Сити банк" (АҚШ), "Национале дель Лаво­ро" (Италия) ва "Стандарт Чар ред Банк" (Буюк Британия) банклари билан вакиллик алоқаларини ўрнатди. Бундан таъдир, 2000 йил декабрь ойда "Пахта Банк" ва Европа Тижланиш ва тараққиёт банки ўртасида 15 мил­лион АҚШ доллари миқдоридagi кредит бит­тини имзо­ланиди. 2001 йил мобайнида 6,3 миллион долларлик лойиҳалар маблағ билан



КАПИТАЛНИНГ ЎСГАНИ — ИШОНЧ­НИНГ КУЧАЛИГИ

Кишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий қисмига хиз­мат кўрсатаётган "Пахта Банк" бугун­ги кунда устак капитални ва активлари сал­моғи бўйича Ўзбекистондаги энг йирик иккинчи универсал банк даражасига кўтарилган. 2001 йил давомида банк акцияларининг уч миллиард сўмлик еттинчи эмиссияси тўлиқ жойлаштирил­ди. Натижада 2002 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг устак капиталы 10 миллиард сўмни таш­кил этди.

Акциядорлар саф­и ҳам аввалги йилдагига нисбатан анча кенгайди. Уларнинг сони 56 минг­тадан 70 мингга етди. Шулардан 54 мингтаси жисмоний шахслардир. Банкнинг йирик муас­сисалари саф­ида "Ўзпахтасаноат", "Ўз­агро­маш­сервис" уюшмалари, "Ўзқишлоқхўжалиқим" давлат акциядорлик компанияси, "Ўз­агро­сур­та" давлат акциядорлик компанияси ва бо­шқа нуфузли таш­килотлар бор.

Уттан йили акциядорларнинг банк фаоли­ятини бошқаришдаги роли банкнинг молиявий мустақиллиги янада кенгайиши билан уйғун тарзда ўсиб борди. Кредит, инвестиция ва клар­лар сибестининг асосий йўналишлари бўйича келишилган ҳолда қарорлар қабул қилинаёт­гани, банк бошқаруви ва кенгаши йиғилишлари­да банк иши якулини мунтазам равишда кўриб борилаётгани, айниқса, корпоратив бошқарув тизимини янада мустақкамлади. Бу эса ўз на­вбатида банкнинг изчил ва барқарор фаолият юритишига ёрдам бермоқда.

Икки йилдирки, банк лизинг асосида киш­лоқ хўжалигини зарур техника воситалари билан таъ­минлаш масаласида ҳам муҳим роль ўйнамоқда. "Ўзқишлоқхўжалиқим" компанияси билан ҳамкорликда лизинг шартномалари, шунингдек, киш­лоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарувчи кор­хоналар билан таъминот бўйича тузилган шартно­малар юзасидан тўловлар ва молиявий мажбуриятлар­нинг бажарилиши устидан назорат ишларини олиб бормоқда. Ушбу янги ҳисоб-китоб шартномасида киш­лоқ хўжалик корхоналарига 2273 та техника во­сита­си етказиб берилди.

Бундан ташқари, ўтган йили банк киш­лоқ хў­жалик корхоналарининг уруғлик, минерал ўғитлар, киш­лоқ хўжалик техникалари ва уларнинг эҳтиёт қис­млари, ёш қорамоллар, омичта ем харид қилиш­лари учун зарур пул маблағларига булган эҳтиёжини қондиради. Шу мақсадда ширкат хўжалиқларига 3,5 миллиард сўм, деҳқон ва фермерлар хўжалиқларига эса 2,5 мил­лард сўм маблағ ажратилди. Айни чоғда 2001 йилда пилла етиштирувчиларга 2,5 миллиард сўм миқ­дорда кредитлар берилди.

Узаро ишонч ва ҳамкорликка асосланган фак­торинг операцияларини кенгайтириш заруратини ҳам ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўймоқда. Бу йўналишда банк молиявий танқисликка тушиб қолган ўз ми­жозларининг мажбуриятларини бажара бориб, уларга бемалол иш юритишлари­га катта ёрдам бермоқда. 2001 йилда тармоқда 5,2 миллиард сўмлик факторинг хиз­мати кўрсатилган фикрминнинг далилидир. Бу фак­торинг маблағлари эса "Ўзқишлоқхўжалиқим" ком­паниясига кимё заводларидан минерал ўғитлар харид қилишда, "Ўз­агро­маш­сервис" уюшмасига киш­лоқ хўжалик корхоналарини керакли техника ва эҳтиёт қис­млар билан таъминлашга кўмаклашди.

МИКРОКРЕДИТ ДАРОМАД МАНБАИДИР
Кейинги йиллар тажрибаси фермер хўжалиқла­



рини таш­кил этишнинг афзалликларини яққол кўрсатмоқда. Мулкчиликнинг бундай шаклида ерга муносабат тубдан ўзгариб, унинг ҳар қарчидан са­марали фойдаланишга, имконини бори­ча ҳам сарф­харажат билан пахта ва галладан мўл ҳосил олишга, чорва моллари маҳсулдорлигини оширишга эришил­моқда. Бундан зарар кўриб ишлаётган ва паст рента­белли киш­лоқ хўжалик корхоналарини фермер хў­жалиқларига айлантиришнинг мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Уларда меҳнатни таш­кил этиш анча яхшиланди, молиявий барқарорлик мустақкамланди. Ҳозир республикамизда етиштирилаётган ялпи бо­шоқди дон ҳосилининг 18,5 фоизи, пахта­нинг эса 22 фоизи фермерлар улушига тўғри келаётир. Ушбу ютуқ­ларда "Пахта Банк"нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Уттан йили банк томонидан деҳқон ва фермер хў­жалиқларини ривожлантиришнинг қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 2,5 миллиард сўм кредит маблағ­лари ажратилди. Шунинг айтиш керакки, ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта корхоналар, деҳқон ва фермер хўжалиқларини кредитлаш тамой­иллари имтиёзли кредит бериш, шу мақсадда "Пахта Банк"­да имтиёзли кредит бериш мах­сус жамғармаси таш­кил этилган. 2002 йил 1 январь ҳолатига кўра, унинг маблағи 3 миллиард сўмга етди.

Республика ҳукуматининг тадбиркорликни ри­вожлантиришга қаратилган қарорларини бажариш мақса­дида, шунингдек, "Пахта Банк" томонидан бултур кичик ва ўрта бизнесни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг банк кредит маблағ­ларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, банк филиаллари билан тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни аниқ мақсадларга қаратган ҳолда ривожлантиришга оид бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, молиялаштириш манба­лари ҳисобидан тадбиркорлар, кичик ва ўрта биз­нес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжалиқларига 6114 та лойиҳа бўйича 11,7 млрд сўм миқ­дорда кредит берилди. Ушбу маблағнинг асосий қисми, яъни 10 миллиард сўм банкнинг ўз маблағларидан бўлса, 1,7 миллиард сўми эса бюджетдан ташқари жамғар­мадан ажратилди. Жами кредитнинг 3,8 миллиард сўми эки 32 фоизи қисқа мuddатли, 7,9 миллиард сўми эки 68 фоизи эса ўрта ва узоқ мuddатлидир. Ушбу кредитлар ҳисобига ўтган йили 11.590 та янги иш ўрни очилиб, 6,8 миллиард сўмлик маҳсу­лот ишлаб чиқарилди.


Банкнинг "Ҳосил" омонат турини яхши билишди. Унинг узига хос томони шундаки, тўланадиган фои­з ставкаси босқичма-босқич ошиб боради.

Банк бўлимларида Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига атаб мuddати уч оқдан бир йилгача бўлган, йиллик фои­з ставкаси 40 фоиздан 60 фоиз­гача ўсиб бору­вичи "Истиқлолнинг муборак" омонат тури ҳам очилди.

ҚУРИЛИШГА — 27,5 МИЛЛАРД СЎМ

"Пахта Банк" киш­лоқ хўжалик корхоналарининг асосий фаолиятларига кўмаклашиш билан бирга, дав­лат корхоналари, акциядорлик жамиятлари, компани­ялар, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг капитал сарф-харажатлари учун ҳам узоқ мuddатли кредитлар ажратмоқда. Халқ хўжалигининг му­ҳим объектиларини бюджетдан маблағ билан таъмин­лаш бўйича инвестиция дастурларини амалга ошир­моқда.

2001 йилда барча манбалар ҳисобидан молиялаш­тириш учун ажратилган маблағлар ҳажми 27,5 мил­лиард сўмни, шу қулдан, бюджет маблағлари ҳисоб­идан берилган маблағлар 17,7 миллиард сўмни, банк кредитлари ҳисобидан 5,5 миллиард сўмни, хў­жалиқларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган ма­блағлар 4,1 миллиард сўмни таш­кил этди. "Пахта Бан­к", шунингдек, ўз маблағлари ҳисобидан "Ўзқишлоқ-хўжалиқмашхўлининг" ва "Ўзқурилишматериаллари" компаниялари объектилари учун 5 миллиард сўм аж­ратди. Пировадидида "Агрегат заводи" очик акциядор­лик жамиятида мураккаб чет эл техникалари учун эҳтиёт қисм (вал ва шестерна)лар, "Лемкен" компани­яси билан ҳамкорликда туپроққа ишлов бериш машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Тош­қишлоқхўжалиқмаш" акциядорлик жамияти горизон­тал шпинделли пахта териш машиналари ҳамда им­порт техникалар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш мақса­дида катта миқдорда молиявий ёрдам олди. "Квар" акциядорлик жамиятида эса автомобиллар учун яси ойналар ишлаб чиқарувчи линияни қайта қуриш ишлари давом эттирилди.



Банкнинг ўз кредит захира­лари ҳисобига, шу-

таъминланди.

Шу билан бирга, 2001 йилнинг март ойи­да Осиё Тараққиёт банки билан Ўзбекистон­даги 3 та банк ўртасида кичик ва ўрта биз­несни ривожлантириш учун 50 миллион АҚШ доллари миқ­дорда карз бериш тўғрисида лойиҳа битими тузилди. Унинг 15 миллион дол­лари "Пахта Банк"га тегишлидир. Ҳозирги кунда эса Осиё Тараққиёт банкининг кредит линияси бўйича 2,6 миллион АҚШ доллари миқ­дордаги лойиҳалар молиялаш учун қабул қилинган.

Халқаро молия таш­килотлари билан ҳам­корлик тобора ривожланиб, мустақкамланиб бормоқда. Айни кунларда "Пахта Банк" то­монидан Германия Тараққиёт банки, КФБ, Ев­ропа Тижланиш ва тараққиёт банки, Осиё Та­раққиёт банки кредит линиялари бўйича аж­ратилган маблағларни ўзлаштириш ишлари о­сиб бормоқда. Жалб этилган маблағларнинг асосий қисми корхоналарни техник жиҳатдан қайта қурулантириш, юксак технологияли ус­куналар сотиб олишга сарфланмоқда. Ҳозир­гача КФБ Германия банкнинг кредит лини­яси бўйича ажратилган 4,1 миллион евро ки­чик ва ўрта бизнес субъектларининг 6 та ин­вестиция лойиҳасига йўналтирилди. Айни чоғда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича мо­ниторинг олиб бори­лмоқда.

Ўзбекистон ҳамда ХХР ҳукуматлари ўрта­сида тузилган битимга мувофиқ, шунингдек, Уттан йилнинг ноябрь ойида "Тошкент тра­ктор заводи" давлат акциядорлик жамиятида мини-тракторларини йиғишга қаратилган лойиҳа бўйича 12,2 миллион АҚШ доллари миқ­дордаги бош кредит битими имзо­ланиди. Ҳукуматнинг имтиёзли кредит маблағ­ларини қайта молиялаштириш учун эса "Пахта Банк" вакил этиб белги­ланди.

Чет эл инвестицияларини юксак самара билан ўзлаштиришнинг таъминлаш мақса­дида "Пахта Банк"нинг барча вилоят бошқарма­ларида лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш бўли­млари таш­кил этилган бўлиб, улар бу бо­рада фаол иш олиб бормоқдалар.

Вера РУДАКОВА,
Абдусамд ЙҮДПОЕВ.

